

**O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
OLIV VA O'RTA MAHSUS TA'LIM VAZIRLIGI
TOSHKENT MOLIYA INSTITUTI**



“BIZNES-TAHLILNI RIVOJLANTIRISHNING ZAMONAVIY TENDENSIYALARI VA ISTIQBOLLARI”

**MAVZUSIDAGI RESPUBLIKA ILMIY-AMALIY ANJUMAN
MATERIALLARI TO'PLAMI**

2021-YIL 20-NOYABR

TOSHKENT-2021

**O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
OLIY VA O'RTA MAHSUS TA'LIM VAZIRLIGI
TOSHKENT MOLIYA INSTITUTI**



**“BIZNES-TAHLILNI RIVOJLANTIRISHNING
ZAMONAVIY TENDENSIYALARI VA
ISTIQBOLLARI”**

**MAVZUSIDAGI RESPUBLIKA ILMIY-AMALIY ANJUMAN
MATERIALLARI TO'PLAMI**

2021-YIL 20-NOYABR

**TOSHKENT
“IQTISOD-MOLIYA”
2021**

YŷT:
KBK:

Tahrir hay'ati raisi: i.f.d., professor T.Z.Teshabayev

Tahrir hay'ati a'zolari: i.f.d., prof. A. Tuychiev, i.f.d., prof. S.Mexmonov, prof. U.Yakubov, prof. Z.Sagdillayeva, dots. M.Raximov, dots. N.Mavlanov, PhD I.Choriyev, PhD O.Ochilov, o'q.G.Mahmudova, o'q.Sh.Rahmatova, o'q.Sh.Maxmudova.

“BIZNES-TAHLILNI RIVOJLANTIRISHNING ZAMONAVIY TENDENSIYALARI VA ISTIQBOLLARI” mavzusida respublika ilmiy-amaliy anjuman materiallari to'plami. - T.: “Iqtisod-Moliya”, 2021. - 500 b.

Taqrizchilar: i.f.d., prof. S.Mexmonov
i.f.d., prof. M.Pardayev

Mazkur ilmiy ma'ruza tezislarini to'plamida mamlakatimiz xamda xorijiy yirik iqtisodchi olimlar, tajribali amaliyotchilar, oliy o'quv yurtlarining professor-o'qituvchilari, ilmiy tadqiqot institutlari va markazlarining yetakchi ilmiy xodimlari, doktorant va mustaqil izlanuvchilarning ilmiy tadqiqot ishi natijalari mujassamlashgan.

Ushbu nashrda keltirilgan barcha ma'lumotlar va fikr-mulohazalar mualliflarga tegishli bo'lib, tahrir hay'ati a'zolarining fikriga mos kelmasligi mumkin. Nashrda keltirilgan raqamlar, statistik ma'lumotlar, fikr-mulohazalar uchun mualliflar mas'ul hisoblanadi.

ISBN

© Toshkent moliya instituti, 2021
© “IQTISOD-MOLIYA”, 2021

ЭЛЕКТР ЭНЕРГИЯСИ ТАЪМИНОТИ СУБЪЕКТЛАРИДА ДАРОМАДЛАР ҲИСОБИНИНГ ХУСУСИЯТЛАРИ

ТМИ таянч-докторанти Каххаров Зухриддин

Электр энергияси таъминоти субъектларида, хусусан “Ўзбекистон миллий электр тармоқлари” АЖ да даромадлар ва харажатлар ҳисобини ташкил этиш Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси⁷³, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 54-сонли “Маҳсулот (ишлар, хизматлар)ни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатлари таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисидаги низоми”⁷⁴, 21-сонли БҲМС “Хўжалик юритувчи субъектлар молиявий-хўжалик фаолиятининг бухгалтерия ҳисоби счётлари режаси ва уни қўллаш бўйича Йўриқнома”⁷⁵ ва бошқа қонун ҳужжатларига асосан ташкил этилади.

54-сонли Низом жамиятнинг маҳсулот (ишлар, хизматлар)ни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатларини аниқлашнинг ягона методологик асосларини белгилайди. Низом бухгалтерия ҳисоби ва солиқ солиш мақсадларида харажатларни ҳисоблаб чиқишда пайдо бўладиган тафовутлар ҳисобга олинган ҳолда ишлаб чиқилган. Хўжалик юритувчи субъектларнинг рақобатбардошлилигини аниқлаш мақсадида улар фаолиятининг харажатларини ҳисоблаб чиқиш ва молиявий натижаларини аниқлаш бухгалтерия ҳисобининг асосий мақсади саналади. Ушбу низомда харажатларни гуруҳлаш ва молиявий натижаларни шакллантиришнинг асосий қоидалари мавжуд.

“Ўзбекистон миллий электр тармоқлари” АЖнинг асосий фаолияти бўлиб электр энергиясини импорт ва экспорт қилиш ҳамда электр энергиясини юқори волтли магистрал электр тармоқлари ва нимстанциялар орқали ишлаб чиқарувчилардан ҳудудий электр корхоналарига етказиб бериш, шунингдек, электр тармоқларини қуриш, монтаж қилиш, модернизация қилиш ва реконструкция қилиш, йирик инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш ҳисобланади.

Жамият электр энергиясини юқори волтли магистрал электр тармоқлари ва нимстанциялар орқали ишлаб чиқарувчилардан ҳудудий электр корхоналарига етказиб беришдан олинган даромадларни асосий фаолият даромадларининг энг юқори улушини ташкил қилади. Жамият ишчи счётлар режасида ушбу даромаднинг мавжудлиги ва ҳаракатини 9020 – “Товарлар сотишдан даромад” счётида ҳисобга олади.

Бундан ташқари “Ўзбекистон миллий электр тармоқлари” АЖ Марказий Осиё бирлашган энергетика тизими (МО БЭТ) диспетчерлик хизматини кўрсатади ва ундан даромад олади. Ушбу даромадларнинг мавжудлиги ва ҳаракатини 9030 – “Хизматлар кўрсатишдан даромадлар” счётида ҳисобга олади.

“Ўзбекистон миллий электр тармоқлари” АЖ электр тармоқларидан электр тармоқлари орқали узатилаётган (етказиб берилаётган) электр энергияси учун Ҳудудий электр тармоқлари корхоналари билан ҳисоб-

⁷³ <https://lex.uz/docs/4674902>

⁷⁴ <https://lex.uz/docs/264422>

⁷⁵ <http://bhms.uz/wp-content/uploads/2017/07/21.doc>

китоблар қонунчиликда белгиланган тартибда тасдиқланган электр энергиясининг таъминоти шартномасига асосан амалга оширилади.

Шартномага асосан тегишли ой учун электр энергиясини етказиб бериш ҳисобига бўнак тўловларининг келиб тушиши бухгалтерия ҳисобида қуйидагича акс эттирилади:

дебет пул маблағларини ҳисобга олувчи счётлар (5100, 5200, 5500 ва х.к.);

кредит 6120 «Шўъба ва қарам хўжалик жамиятларга қарз» счёти.

Электр энергиясининг сотилган ҳажмини ҳисоблаш якунига мувофиқ Жамият ҳисоб-китобларни амалга оширади ва Худудий электр тармоқлари корхоналарига Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 222-моддасининг талабларига мувофиқ счёт-фактура ёзиб беради.

Худудий электр тармоқлари корхоналарига электр энергиясини сотиш бухгалтерия ҳисобида қуйидагича акс эттирилади:

дебет 4120 «Шўъба ва қарам хўжалик жамиятларнинг қарзи» счёти;

кредит 9020 «Товарларни сотишдан даромадлар» счёти — тасдиқловчи бирламчи ҳужжатларга (электр энергиясини етказиб бериш далолатномаси, счёт-фактура) мувофиқ электр энергиясини сотишдан тушум суммасига;

кредит 6410 «Бюджетга тўловлар бўйича қарз (турлари бўйича)» счёти — сотилган электр энергияси ҳажмидан ҳисобланган ҚҚС суммасига.

Ҳисобот даврида сотилган электр энергияси учун якуний ҳисоб-китобларни амалга оширишда илгари олинган бўнак тўловлари суммаси ҳисобга олинганда:

дебет 6120 «Шўъба ва қарам хўжалик жамиятларга қарз» счёти;

кредит 4120 «Шўъба ва қарам хўжалик жамиятларнинг қарзи» счёти.

Худудий электр тармоқлари корхоналарга сотилган электр энергиясининг таннарини акс эттириш:

дебет 9120 «Сотилган товарларнинг таннари» счёти;

кредит 2990 «Бошқа товарлар» счётида «Электр энергияси» счётини алоҳида ажратган ҳолда — қонунчиликда белгиланган тартибда электр энергияси истеъмолининг шартномадаги ҳисобланган миқдори бўйича сотиш ҳажми (миқдори) ва электр энергиясини сотиб олиш қийматидан келиб чиққан ҳолда ҳисобланган истеъмолчи — юридик шахсларга сотилган электр энергиясининг таннари (сотиб олиш қиймати) суммасига.

ЭЛЕКТР ЭНЕРГИЯСИ ТАЪМИНОТИ СУБЪЕКТЛАРИДА МАҚСАДЛИ ФОЙДАЛАНАДИГАН СОЛИҚ ИМТИЁЗЛАРИ ҲИСОБИ

ТМИ таянч-докторанти Каххаров Зухриддин

Электр энергияси таъминоти субъектларида, жумладан “Ўзбекистон миллий электр тармоқлари” акциядорлик жамиятида ҳукумат қарори билан текин асосда олинадиган асосий воситалар мавжуд. Бундай асосий воситаларнинг мавжудлиги ва ҳаракатини ҳисобга олиш сотиб олинган ёки ўзида барпо қилинган асосий воситаларнинг ҳисобидан фарқ қилади.

“Ўзбекистон миллий электр тармоқлари” акциядорлик жамиятига янги технологик ускуналарни сотиб олиш, техник қайта жиҳозлаш мақсадида солиқ ва божхона имтиёзлари берилиши амалиёти учраб туради. Баъзида эса

бюджетга ҳисобланадиган солиқ мажбуриятларини сўндириш учун пул маблағларини янги асосий восита харид қилиш учун йўналтириш имтиёзи берилиши мумкин. Бундай ҳолатда ҳисобни тўғри ташкил қилиш зарур.

Солиқ ва божхона имтиёзлари бўшаётган маблағларни мақсадли вазибаларни бажариш учун йўналтириш шарти билан берилиши мумкин. Бунинг учун 8840-счётдан “Мақсадли фойдаланадиган солиқ имтиёзлари” фойдаланилади. Фойда солиғи бўйича мақсадли имтиёз бухгалтерия ҳисобида акс эттирилади тартиби 2.2.1-жадвалда берилган.

2.2.1-жадвал:⁷⁶

**Фойда солиғи бўйича мақсадли имтиёз бухгалтерия ҳисобида
акс эттирилиши**

Операция	Дебет	Кредит
Фойда солиғи ҳисобланди	9810	6410
Фойда солиғи бўйича мақсадли имтиёз қўлланилиши натижасида бўшаган бюджет маблағлари суммаси мақсадли счётга ўтказилди	6410	8840

Жамиятда агар бўшаган маблағлар мақсадига биноан узоқ муддатли активларни, шу жумладан - асосий воситаларни сотиб олишга йўналтирилса, “Текинга олинган мулк” 8530-счёти 8840-счёт билан корреспонденцияда кредитланади.

Мақсадли имтиёзлар ҳисобидан сотиб олинган ёки барпо қилинган ҳамда 8530-счёт бўйича акс эттирилган узоқ муддатли активлар қиймати бошқа текин олинган мол-мулкдан фарқли ўлароқ фойда солиғи ва айланмадан олинадиган солиқни ҳисоблаб чиқаришда жами даромадга киритилмайди. Шунинг учун уни ҳисобга олиш учун 8530-счёт таркибида алоҳида 8531-счётини ажратиш лозим.

Солиқ солиш мақсадларида Мақсадли имтиёзлар ҳисобидан сотиб олинган асосий воситаларнинг амортизацияси фойда солиғи ҳисоб-китобида чегирилмайдиган харажатлар таркибида ҳисобга олинади.

Агар жамият фойда солиғи бўйича бўшаётган маблағларни моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва ишлаб чиқаришни кенгайтириш учун йўналтириш шарти билан мақсадли имтиёзга эга бўлса, асосий восита сотиб олинганда ва унга келгусида бухгалтерия ўтказмаси берилганда бухгалтерия ўтказмалари 2.2.2.-жадвалдаги каби акс эттирилади.

2.2.1-жадвал:⁷⁷

**Фойда солиғи бўйича мақсадли имтиёз бухгалтерия ҳисобида
акс эттирилиши**

Операция	Дебет	Кредит
Фойда солиғи ҳисобланганда	9810	6410
Ҳисобланган имтиёзли фойда солиғи мақсадли счётга ўтказилдиганда	6410	8840

⁷⁶Ш.Ҳайдаров. Мақсадли имтиёзлар ҳисобига олинган мол-мулкни амортизация қилишнинг хусусиятлари. Мақола. 26.01.2021 www.buxgalter.uz

⁷⁷Ш.Ҳайдаров. Мақсадли имтиёзлар ҳисобига олинган мол-мулкни амортизация қилишнинг хусусиятлари. Мақола. 26.01.2021 www.buxgalter.uz

Ускунани сотиб олиш бўйича операциялар акс эттирилда	0820	6010 ва бошқа мажбурият счётлари
Имтиёзлар ҳисобидан сотиб олинган асосий восита фойдаланишга киритилганда	0130	0820
Ускунани сотиб олишга йўналтирилган солиқ имтиёзларининг мақсадли маблағлари ҳисобдан чиқарилганда	8840	8530
Ускунанинг эскириши ҳисобланганда (ҳар ойда, фойдаланишга киритилгандан сўнг кейинги ойдан бошлаб)	2010	0230

Бунда ускунанинг эскириш ҳисобланган қиймати бухгалтерия ҳисобида акс эттирилади, бироқ фойда солиғи ҳисоб-китобида чегирилмайди.

БАНК КРЕДИТ ОПЕРАЦИЯЛАРИ ИЧКИ АУДИТИДА ТАҲЛИЛИЙ АМАЛЛАРНИ ҚЎЛЛАШ МАСАЛАЛАРИ

*Умаров Зафар Абсаматович – ТМИ, Банк ҳисоби ва аудит кафедраси
мудир, и.ф.н., профессор*

Аннотация: Тижорат банкларида кредит операциялари ички аудитида таҳлилий амалларни қўллаш масалалари ўрганилган.

Калит сўзлар: банк, аудит, ички аудит, таҳлил, таҳлил амаллари

Банк фаолиятида кредитлаш асосий ўринни эгаллайди. Ўзбекистон тижорат банкларида кредитлар молиявий активлар таркибида алоҳида қаралади. Лекин Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига асосан кредитлар ҳам молиявий активларнинг бир тури сифатида эътироф этилади.

Кредитлар банк ички аудитида ҳар доим аудит объекти ҳисобланади. Шу сабабли уни ички аудит қилишда турли ҳил амаллардан фойдаланилади.

Биз ушбу тадқиқотимизда кредит операциялари ички аудитида таҳлилий амаллар ҳақида тўхталиб ўтмоқчимиз. Ҳозирги кунда тижорат банкларида умумий асосда ички аудит Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг 2021 йил 7 майдаги “Тижорат банкларининг ички аудитига қўйиладиган талаблар тўғрисида”ги 3302-низоом талаблари асосида ташкил этилмоқда. Ушбу низоом талабларига мувофиқ аудиторлик текширувлари кенгаш томонидан тасдиқланган таваккалчиликларга асосланган йиллик режага мувофиқ амалга оширилади. Йиллик режа асосида аудиторлик дастури тузилиб, унда аудиторлик текшируви мақсадлари, текшириш соҳа ва йўналишлари, батафсил иш режаси, текширувлар графиги, аудит предмети бўлган ҳар бир йўналишни текшириш тартиб-таомиллари тавсифи, аудиторлик текширувларида иштирок этувчи ички аудиторлар ва бошқа шахсларнинг рўйхати келтирилади.

Ички аудитор кредит операциялари аудитини ўтказиш даврида ушбу низоом талаблари билан бирга Банк назорати бўйича Базель кўмитасининг

		TEKNOLOGIYALARI BUXGALTERIYA HISOBINI AVTOMATLASHTIRISH VOSITASI SIFATIDA	
117	<i>Авазов И. Р. Баракаев А. Х.</i>	КОРХОНАЛАР МОЛИЯВИЙ ҲИСОБОТЛАРИНИ ТАСДИҚЛАШ ВА БАҲОЛАШДА АУДИТНИНГ АСОСИЙ ВАЗИФАЛАР	335
118	<i>Авазов И. Р. Жумақулов Т.С.</i>	МОЛИЯВИЙ ҲИСОБОТНИНГ ҲОЗИРГИ ҲОЛАТИ ВА УНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ	336
119	<i>Афанасьева Е. Ю.</i>	ФОРМА БУХГАЛТЕРСКОГО УЧЕТА В УСЛОВИЯХ ЦИФРОВИЗАЦИИ	338
120	<i>Қурбонов Ш. М.</i>	ДАВЛАТ ТИББИЁТ ТАШКИЛОТЛАРИДА ПУБЛИК ТИББИЙ ХИЗМАТЛАРНИ ТАШКИЛ ЭТИШДА РАҚАМЛИ ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИ ҚЎЛЛАШ	341
121	<i>Қўзиев И. Н.</i>	МАҲСУС МАҚСАДЛИ МОЛИЯВИЙ ҲИСОБОТЛАР АУДИТИНИНГ ХУСУСИЯТЛАРИ	344
122	<i>Каххаров З.</i>	ЭЛЕКТР ЭНЕРГИЯСИ ТАЪМИНОТИ СУБЪЕКТЛАРИДА ДАРОМАДЛАР ҲИСОБИНИНГ ХУСУСИЯТЛАРИ	346
123	<i>Каххаров З.</i>	ЭЛЕКТР ЭНЕРГИЯСИ ТАЪМИНОТИ СУБЪЕКТЛАРИДА МАҚСАДЛИ ФОЙДАЛАНАДИГАН СОЛИҚ ИМТИЁЗЛАРИ ҲИСОБИ	347
124	<i>Умаров З. А.</i>	БАНК КРЕДИТ ОПЕРАЦИЯЛАРИ ИЧКИ АУДИТИДА ТАҲЛИЛИЙ АМАЛЛАРНИ ҚЎЛЛАШ МАСАЛАЛАРИ	349
125	<i>Исмоилова М.М.</i>	БАЛАНС АКТИВИ РЕНТАБЕЛЛИГИ ТАҲЛИЛИ	351
126	<i>Bozorov F. O. Naimova M. Q.</i>	SOLIQLAR VA ULARNING BIZNESGA TA'SIRI	353
127	<i>Овлаев С.</i>	ХЎЖАЛИК СУБЪЕКТЛАРИДА ДЕБИТОРЛИК ВА КРЕДИТОРЛИК МАЖУБИЯТЛАРИ ҲИСОБИНИНГ ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАРИ	355
128	<i>Янгибоев Ф. Б.</i>	БАНКЛАРДА КРЕДИТ ОПЕРАЦИЯ ҲИСОБИНИ ТАШКИЛ ҚИЛИШ АСОСЛАРИ	356
129	<i>Qoraliev T. M. Akbarova F. D.</i>	BANK AUDITIDA AUDITORLIK XULOSASI VA HISOBOTI	358
130	<i>Karimov A. Normo'minova D.</i>	QURILISH KORXONALARIDA BUXGALTERIYA HISOBI VA	361